

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

РОЗИҚОВА КАМОЛА ЭЛМУРОДОВНА

**БОР ВА МАРГАНЕЦ МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ҒЎЗА
МЕТАБОЛИЗМИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.04 – «Агрокимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Розиқова Камола Элмуродовна

Бор ва марганец микроэлементларининг ғўза метаболизми ва
хосилдорлигига таъсири..... 3

Розикова Камола Элмуродовна

Влияние микроэлементов бора и марганца на метаболизм и урожайность
хлопчатника..... 21

Rozikova Kamola Elmurodovna

The influence of micronutrients boron and manganese on the metabolism and
yield of cotton..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

РОЗИҚОВА КАМОЛА ЭЛМУРОДОВНА

**БОР ВА МАРГАНЕЦ МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ҒЎЗА
МЕТАБОЛИЗМИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

06.01.04 – «Агрокимё»

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Qx502 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хошимов Фарҳод Ҳакимович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ниязалиев Бегали Ирисалиевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Каримбердиева Амина Азимовна қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси, ТАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.М.Бобомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., катта
илмий ходим

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунёда АҚШ, Миср, Ҳиндистон, Бразилия, Исроил, Туркия каби давлатлар пахта етиштириш бўйича етакчилик қилиб¹, уларда микроўғитларни турли усул ва муддатларда қўллаш натижасида пахта ҳосилдорлиги 12-19 фоизга ошган»². Шу сабабли дунёнинг қурғоқчил ва яримқурғоқчил иқлимли минтақаларининг карбонатли тупроқлари шароитида етиштириладиган ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда микроўғитларни томчилатиб суғориш ва экинларни баргидан озиклантириш орқали уларни турли экстремал шароитларга бардошлигини ошириш ҳамда тупроқларда етишмайдиган озиқ моддалар билан таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш ҳамда тола сифатини яхшилашда макро- ва микроўғитларни турли меъёр, нисбат, муддат ва усулларда қўллаш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ғўза онтогенезининг турли босқичларида макро- ва микроўғитларга талаби, айниқса, тупроқнинг микроэлементлар билан таъминланганлиги, микроўғитларни қўллаш муддати, меъёри ва усуллари таъсирида ғўза метаболизмида юзага келаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни аниқлаш, ғўзани баргидан озиклантиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғориладиган тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса пахта ҳосилдорлигини ошириш, минерал ўғитларни мақбул меъёр ва муддатларда қўллаш, тола сифатини яхшилашга қаратилган агротехнологияларни амалиётга жорий этиш орқали илмий асосланган интенсив деҳқончиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириб, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш»³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам пахта етиштиришда ғўзанинг онтогенез босқичларида макро ва микроўғитларга бўлган талабини ҳамда микроўғитлар таъсирида ғўза метаболизмидаги ўзгаришларни аниқлаш, ғўза ҳосилдорлигини ошириш ва тола сифатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

¹[http:// www.caas.cn/en](http://www.caas.cn/en);

²[http:// www.dpi.nsw.gov.au](http://www.dpi.nsw.gov.au);

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021-йилда амалга ошириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларда микроэлементлар тарқалиши, аккумуляцияланиши, миграцияси, уларнинг ўсимлик ва ҳайвон организмларидаги роли, уларнинг кам ёки ортиқчалигидан келиб чиқадиган нуқсонлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари бир қатор хорижлик олимлар Я.В.Пейве, М.Я.Школьник, В.В.Ковальский, В.А.Ковда, Б.А.Ягодин ҳамда республика олимларидан Е.К.Круглова, Б.М.Исаев, М.А.Риш, С.С.Абаева, Ж.С.Саттаров, А.Қ.Қориев, Қ.М.Мирзажонов, Ф.Ҳ.Хошимов, А.А.Каримбердиева, А.Л.Санакулов, Ҳ.Н.Каримов, Ж.М.Қўзиев ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, Самарқанд вилояти шароитида микроэлементларнинг тупроқ таркибидаги миқдори ҳамда микроўғитларни қўллаш муддати ва усуллари таъсирида ғўза метаболизмидаги ўзгаришлар, бор ва марганецнинг ғўза органларидаги миқдори, айниқса метаболизмни таъминлайдиган физиологик кўрсаткичларга таъсирини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси (собик СамҚХИ) институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №01980004512 рақамли «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги технологияларни ишлаб чиқиш» (2016-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида минерал ўғитлар фониди бор ва марганец микроўғитларини ғўза метаболизмига, ҳосилдорлигига, хлорофилл-оқсил комплексига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг агрокимёвий ҳолатини, макро ва микроэлементларнинг тупроқ профили бўйича тақсимланишини аниқлаш;

бор ва марганец микроўғитларининг ғўза метаболизмига ва баргларидаги азот ҳамда фосфорли бирикмалар миқдорига таъсирини аниқлаш;

ғўзанинг физиологик ва фотосинтетик кўрсаткичларига, хлорофилл-оксил комплексига микроэлементларни турли усулларда қўллаш таъсирини ўрганиш;

микроэлементларни турли усулларда қўллаш орқали ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосил тугиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

пахта етиштиришда қўлланилган микроэлементларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва микроўғитлар қўллаш юзасидан ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари, бор (B) ва марганец (Mn) микроўғитлари, ғўзанинг «Омад» нави танланган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ва ҳаракатчан шакллардаги озика элементлар, микроўғитларни қўллаш усуллари, макро ва микроэлементларни ғўза органларига ўтиши, ўсимликнинг физиологик кўрсаткичлари, ўсиши, ривожланиши ва ҳосил миқдори ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари, лаборатория, камерал, кимёвий таҳлил ишлари агрокимё ва пахтачиликда умумқабул қилинган услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди: Дала тажрибаларини ўтказиш «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения» услубида, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ҳамда кимёвий таҳлил ишлари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубида, тупроқ таркибидаги микроэлементларнинг умумий ва ҳаракатчан шакллари, ўсимлик қисмларидаги B ва Mn миқдорлари Е.К.Круглованинг «Методика определения микроэлементов и их форм в карбонатных почвах, хлопчатнике, водах» ва Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» услубий кўрсатмалари, олинган маълумотларнинг вариацион-статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси ва Microsoft Excel дастури асосида бажарилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

микроўғитлар ғўза транспирация жадаллигини пасайтириши, сув сақлаш қобилятини 3-5 фоизга ошириши ҳамда ташқи омилга (иссиқликка 4-5 °C) бардошлилигини ошириши аниқланган;

минерал ўғитлар фонида B ва Mn микроўғитларини ғўзани шоналаш фазасида тупроққа ва баргидан қўллаш, ҳосил элементларининг шаклланиш ва конуслар бўйича тўкилишини (8,0–13,3%) олдини олиш исботланган;

В ва Мп микроўғитларини ғўзани шоналаш фазасида тупроққа ва баргидан қўллаш ҳосил учун муҳим бўлган оксилли азотни жадал синтез бўлиши илмий асосланган;

чигитларни В ва Мп ли микроўғитли эритмага ивитиб экиш ва тупроққа қўллаш ғўза (физиологик кўрсаткичига, хлорофил-оксил комплексига ва фотосинтетик соф маҳсулдорлиги)га ижобий таъсир қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилоятида тарқалган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда макро ва микроўғитларни тупроқларнинг озика элементлари билан тамиланганлик даражасига боғлиқ ҳолда рационал қўллаш, ғўзанинг транспирация жадаллигини пасайтиришда ҳамда ташқи омилларга бардошлилигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқ шароитида, макроўғитлар ($N_{250}P_{175}K_{125}$) фонида микроўғитларни ғўзани шоналаш фазасида тупроққа (1 кг/га бор ва 4 кг/га марганец) қўллаш ва баргидан (0,1% бор ва 0,5% марганец) озиклантириш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг аниқлиги уларнинг вариацион-статистик таҳлил қилиниши натижасида исботланганлиги, дала, лаборатория ва дала тажрибаси СамВМИ апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, диссертация ишида қўлланилган услублар тадқиқот натижаларига мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан қиёсий таққосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги, шунингдек, нуфузли хорижий ва республика илмий журналларининг даврий нашрларида чоп этилганлиги, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти микроўғитлар ғўзанинг транспирация жадаллигини пасайтириши ва сув сақлаш қобилиятини 3–5 фоизга ошириши ҳамда ташқи омилларга (иссиқликка 4-5⁰С) бардошлилигини ошириши аниқланганлиги, минерал ўғитлар фонида В ва Мп микроўғитларини ғўзани шоналаш фазасида тупроққа ва баргидан қўллаш, ҳосил элементларининг шаклланиш ва конуслар бўйича тўкилишини (8,0-13,3%) олдини олиши исботланганлиги, микроўғитларини В ва Мп ғўзани шоналаш фазасида қўллаш ҳосил учун муҳим бўлган оксилли азотни жадал синтез бўлиши илмий асосланганлиги, чигитларни В ва Мп ли микроўғитли эритмага ивитиб экиш ва тупроққа қўллаш ғўза (физиологик кўрсаткичига, хлорофил-оксил комплексига ва фотосинтетик соф маҳсулдорлиги)га ижобий таъсир қилиш аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Самарқанд вилоятида тарқалган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ғўза етиштиришда макро - ва микроўғитларни тупроқларнинг озика элементлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ ҳамда рационал қўллаш, ғўзанинг транспирация жадаллигини пасайтиришда ҳамда ташқи омилларга ғўза

бардошлилигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқ шароитида, макроўғитлар ($N_{250}P_{175}K_{125}$) фонида микроўғитларни ғўзани шоналаш фазасида тупроққа (1 кг/га бор ва 4 кг/га марганец) қўллаш ва баргидан (0,1% бор ва 0,5 фоизли марганец) озиклантириш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бор ва марганец микроэлементларининг ғўза метаболизми ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар асосида:

«Самарқанд вилоятида пахта етиштиришда бор ва марганец микроўғитларидан фойдаланишга оид тавсиялар» Қишлоқ хўжалиги вазирлигини Каттақўрғон тумани қишлоқ хўжалиги бўлимига амалиётга фойдаланиш учун топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигини 2021 йил 13 апрелдаги 02/025–1585-сон маълумотномаси). Натижада, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари тупроқларининг агрокимёвий ҳолати асосида макро- ва микроэлементлардан рационал фойдаланиш, ғўза транспирация жадаллигини пасайтиришда микроўғитларни қўллаш ва турли салбий омилларга ғўза бардошлилигини ошириш бўйича тадбирларни белгилашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар учун ғўзани шоналаш фазасида тупроққа 1 кг/га бор ва 4 кг/га марганец ҳамда баргидан 0,1 фоизли бор ва 0,5 фоизли марганец микроўғитларини $N_{250}P_{175}K_{125}$ кг/га минерал ўғитлар фонида қўллаш агротехнологияси Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани «Мукаррама СБТ» фермер хўжалигида 47 гектар, «Ўткир» фермер хўжалигида 10 гектар, «Хушнудбек-Шавкат файзли даласи» фермер хўжалигида 30 гектар, жами 87 гектар майдонда амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 13 апрелдаги 02/025–1585-сон маълумотномаси). Натижада, ғўзанинг транспирация жадаллиги пасайиб, сув сақлаш қобилияти 3-5 фоизга ошган, ташқи салбий омилларга бардошлилиги таъминланган, ғўза тупидаги ҳосил элементлари тўкилишини 8,0-13,3 фоизга камайтирган, 3,5-6 центнер қўшимча, эртаги ва сифатли ҳосил олган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган шундан, 2 та тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Микроэлементларнинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти, ўсимлик ва тупроқ таркибидаги миқдори**» деб номланган биринчи бобида ўсимликларда кечадиган физиологик-биокимёвий жараёнларда микроэлементларнинг роли, тупроқлар таркибидаги В ва Мп микроэлементларнинг биогеокимёси, микроэлементларни қўллаш усуллари ва уларнинг самарадорлигига оид маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Худуднинг тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот ўтказиш услуби**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган худуднинг тупроқ-иқлим шароити, тажрибаларни ўтказиш услуби, тажрибада экилган нав тавсифи баён қилинган.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида олиб борилди. Дала тажрибаси олиб борилган худуднинг иқлим шароити, яъни ҳавонинг нисбий намлиги ғўзанинг вегетация даврида ўртача 33,5–34,7 фоиз бўлиб, кўп йиллик маълумотларга қараганда 0,6–1,8 фоизга, йиллик ўртача миқдори эса 0,4–2,5 фоизга камлиги ҳисобга олинди. Ёғингарчиликлар миқдори 281,1–373,1 мм ни, вегетация даврида эса 37,8–104,2 мм ни ташкил этиб, кўп йилликка нисбатан 2017 ва 2019 йилларда 83,3–108,6 мм кам бўлган бўлса, 2018 ва 2020 йилларда кўп йиллик кўрсаткичлар даражасида бўлди.

Микроэлементларнинг ялпи ва ҳаракатчан ёки ўсимликларга ўзлаштирилувчан шакли тупроқларнинг ҳайдов (0-30 см), ҳайдов ости ва она жинси қатламларидаги миқдорлари аниқланди.

Дала тажрибаси 8 вариант, 4 такрорликда олиб борилди. Тажриба пайкалининг узунлиги 50 м, эни 2,4 м, битта пайкалнинг майдони 120 м², ҳисоблар олинадиган майдон эса 60 м², пайкаллар систематик, яъни бир ярус қилиб жойлаштирилди.

Агрокимёвий, физиологик-биокимёвий тадқиқотлар мос равишда тегишли услублар асосида ўтказилди.

Дала тажрибаларини қўйиш, ҳисоблашлар ва кузатишлар умумқабул қилинган услубларда амалга оширилди. Барча агротехнологик тадбирлар тупроқшунослик ва пахтачиликда умумқабул қилинган услублар асосида бажарилди.

Диссертациянинг «**Ќўзанинг макро- ва микроўғитлар билан озикланишининг агрокимёвий асослари**» деб номланган учинчи бобида

тажриба ўтказилган дала тупроғининг морфологик белгилари ва агрохимёвий тавсифи, ғўза органларидаги азот ва фосфор бирикмалари ўзлаштирилиши, метаболизми ҳамда микроэлементларнинг таъсири, микроўғитларни турли усулларда қўллашнинг ғўза органларидаги микроэлементлар миқдорига таъсирига оид маълумотлар келтирилган.

Тупроқ таркибидаги асосий элементлар зарраларининг кўпчилик қисми диаметри 0,05–0,01 мм бўлган йирик чанг фракцияларининг миқдори 39,8–44,1 фоизгача ўзгариб туради (1-жадвал).

Тупроқ шўрланмаган. Сувда эрийдиган тузлар деярли йўқ, 0,021–0,028 фоизни ташкил этди.

1-жадвал

Эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг механик таркиби (2017 йил)


Қатламқалинлиги, см	Фракциялар ўлчами, %							Физик лой
	>0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	
0-35	1,0	1,1	7,7	41,7	14,1	14,5	14,9	43,5
35-54	0,8	0,4	7,3	39,8	13,0	16,3	16,0	45,3
54-79	0,9	0,7	8,1	40,3	17,2	15,2	13,6	46,0
79-111	1,0	0,9	8,6	42,0	21,1	13,1	12,2	46,4
111-152	0,6	0,8	9,2	44,1	16,8	12,0	11,5	40,3

Тажриба даласи тупроғининг ҳайдов қатламида гумус миқдори 1,26 фоиз бўлиб, 0,5 метр қатламгача унинг миқдори нисбатан кўп (1,21%), бу агроирригацион қатлам қалинлиги билан боғлиқ, пастга томон унинг миқдорида камайиш тенденцияси кузатилди. Тупроқ қатламларига мос равишда ялпи азот 0,088-0,034 фоизгача ўзгарди. Фосфор 0,106–0,133%, калий 2,12–1,99 фоиз бўлса, ҳаракатчан фосфор юқори қатламда 26,4 мг/кг, алмашинувчан калий 260 мг/кг, яъни тупроқ фосфор билан кам ва калий билан ўртача таъминланганлиги аниқланди.

Каттақўрғон тумани ўтлоқи аллювиал тупроқлари таркибида ялпи бор миқдори ҳайдалма қатламда 92,4 мг/кг ни ташкил этиб, миграция коэффициентини $K_{\text{мигр}}=1,1$ га тенглиги, яъни борнинг ялпи миқдори ҳайдалма қатламда аккумуляцияланиши аниқланди. Ўсимликларга ўзлаштириладиган, сувда эрийдиган бор миқдори тупроқ профили бўйлаб 0,75-0,44 мг/кг ни ташкил этиб, чегараланган сон (0,8-1,2 мг/кг) дан камлиги аниқланди.

Тупроқ профилида ялпи марганец 644,4–623,3 мг/кг, ўсимликлар осон ўзлаштирувчи марганец эса 83,43-76,83 мг/кг ни ташкил этиб, чегараланган сон (80-100 мг/кг) оралиғида эканлиги аниқланди (1-расм).

Ғўза баргларидаги азот миқдори бор ва марганец микроўғитларини қўллаш усулларида боғлиқ эканлиги кузатилди, яъни Фон+Mn 0,1 фоизли эритмасида чигитларни ивитиш вариантыда азотсимон моддаларнинг ўзлаштирилиши ва синтезига ижобий таъсир этиб умумий азот ва унинг оксилли, нооксил шакллари кўп миқдорда тўпланди.



1-расм. Каттакўрғон тумани ўтлоқи аллювиал тупроқлар таркибидаги бор ва марганец миқдори, мг/кг (2017-2020 йй.)

Ўсимликнинг гуллаш фазасида ўғитсиз-назорат вариантыда азот миқдори 2,907% бўлган бўлса, Фон+В 0,05 фоизли эритмасида чигитларни ивитиш вариантыда 3,961%, Фон+Мн 0,5% концентрация суспензия сифатида пуркаш вариантыда эса 3,892 фоизни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу вариантларда оқсилли азот нооқсил азотдан сезиларли миқдорда кўп бўлишига қарамай микроэлементлар қўлланилмаган вариантларга нисбатан ушбу вариантларда умумий азот миқдори юқори бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Гуллаш фазасида ғўза органларидаги азотли ва фосфорли бирикмалар миқдорига микроўғитларнинг таъсири, % (2017-2020 йй.)

№	Тажриба вариантлари	Азотли бирикмалар			Фосфорли бирикмалар		
		умумий	оқсилли	нооқсил	умумий	органик	минерал
1	Ўғитсиз – назорат	2,907	2,354	0,553	0,901	0,564	0,337
2	N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ – фон (суспензия сифатида сув пуркаш)	3,431	2,638	0,793	0,932	0,578	0,354
3	Фон+В 1,0 кг	3,617	2,774	0,843	0,969	0,630	0,339
4	Фон+Мн 4,0 кг	3,404	2,628	0,776	0,961	0,619	0,342
5	Фон+В 0,1% концентрацияли суспензия пуркаш	3,666	2,732	0,934	0,960	0,630	0,330
6	Фон+Мн 0,5% концентрацияли суспензия пуркаш	3,892	2,813	1,079	0,941	0,623	0,318
7	Фон+В 0,05%ли эритмасида чигитларни ивитиш	3,961	2,895	1,066	0,967	0,630	0,337
8	Фон+Мн 0,1%ли эритмасида чигитларни ивитиш	3,931	2,930	1,001	0,946	0,619	0,327

Бор ва марганец микроўғитларини турли усулларда қўллаш ўсимлик хужайрасида биокимёвий жараёнларни кучайтиради, жумладан микроэлементлар таъсирида азот алмашинуви яхшиланади, умумий азот миқдорига ва унинг оқсилли шаклига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу

ҳолатни ғўза органларида умумий азот ва вегетация охирида унинг олиб чиқилиши ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Тажрибада турли усулларда қўлланилган микроўғитлар ғўзанинг азотдан бирмунча самарали фойдаланишини таъминлади. Ўғитсиз–назорат вариантда азот сарфи 35,67 кг/т, NPK – фон (суспензия сифатида сув пуркаш) вариантыда эса 39,89 кг/т ни ташкил этганлиги аниқланди. Макроўғитлар фонида микроўғитлардан фойдаланилганда азот сарфи янада кўпроқ бўлди. Дала тажрибасида ғўзанинг умумий биомассаси билан чиқиб кетган азот 71,76–193,75 кг/га ни ташкил қилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўғитсиз озиқ моддаларни (NPK) олиб чиқишига микроўғитларнинг таъсири (2017-2020 йй.)

№	Тажриба вариантлари	Азот		Фосфор		Калий	
		кг/т	кг/га	кг/т	кг/га	кг/т	кг/га
1	Ўғитсиз – назорат	35,67	71,76	12,12	23,88	47,16	92,90
2	N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ – фон (суспензия сифатида сув пуркаш)	39,89	135,18	13,00	44,31	51,63	176,06
3	Фон+В 1,0 кг	47,98	193,75	16,20	64,31	54,90	217,96
4	Фон+Мп 4,0 кг	45,83	170,18	15,79	57,95	56,12	205,96
5	Фон+В 0,1% концентрацияли суспензия пуркаш	47,23	190,91	16,80	66,68	54,42	216,02
6	Фон+Мп 0,5% концентрацияли суспензия пуркаш	46,81	170,72	16,62	59,00	57,56	204,33
7	Фон+В 0,05%ли эритмасида чигитларни ивйтиш	46,89	185,06	15,95	63,16	53,12	210,35
8	Фон+Мп 0,1%ли эритмасида чигитларни ивйтиш	45,71	164,57	15,51	55,21	54,99	195,75

Микроэлементлар таъсирида ғўзага азотнинг сингдирилиши кучайди, айниқса ғўзанинг репродуктив ривожланишида, ноорганик азотли бирикмаларнинг бирмунча мураккаб – оқсилли бирикмаларга айланиши интенсив кечди. Бу ғўзанинг азотга талаби ва вегетация охирида уни олиб чиқишида намоён бўлди.

Ўғитсиз ғўзага фосфорнинг ўзлаштирилиши ва ундан фойдаланишда микроэлементларнинг нафақат ўсимликка фосфорни ўзлаштирилиш интенсивлигига, балки органик бирикмалар синтезига таъсир этиши аниқланди.

Шоналаш фазасига келиб ғўза баргларида фосфорнинг, айниқса органик фосфорнинг синтезланиши турли усулларда қўлланилган микроэлементлар ҳисобига кучайди. Худди шундай тенденция гуллаш фазасида ҳам қайд этилди. Ўғитсиз-назорат ва тажриба вариантларида ғўзага фосфорнинг ўзлаштирилишида фарқ кузатилди. Кейинчалик органик фосфор синтези яхшиланди, бунинг натижасида ўсиш ва ривожланиш жадаллашиб, ғўзанинг фосфорни олиб чиқиши ошди. Фон+Мп 4,0 кг/га қўлланилган вариантда эса Фон+бор (В) қўлланилган вариантдаги каби бирмунча камайди.

Қонуният чигитли пахта билан олиб чиқилган фосфор бўйича ҳам сақланиб қолди. Фон+В 0,1% ва Фон+Мп 0,5% концентрация суспензия сифатида пуркаш вариантлари органик бирикмали фосфор шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, макроўғитлар фонида микроўғитларни қўллаш умумий азот миқдорини, шу жумладан оксилли ва нооксил шаклини сезиларли оширади. Микроэлементларнинг фосфор алмашинувига таъсири худди азот алмашинувига таъсиридаги қонуният сингари кечди. Ғўзанинг фосфорни олиб чиқилиши биринчи навбатда микроўғитларни барг орқали озиклантиришда қўлланилганда кучайди.

Бор ғўза баргларида энг кўп миқдорда – 33,0–62,6 мг/кг, кейин чанокда – 14,9–30,3 мг/кг, чигит – 10,4–14,5 мг/кг ва пояда – 11,4–16,5 мг/кг, кейинги навбатда толада – 3,7–5,8 мг/кг аниқланди. Ўсимликларда бор миқдори тупроқнинг ушбу элемент билан таъминланишига ва қўлланилган микроўғитга боғлиқ эканлиги кузатилди.

Ғўза баргларидаги борнинг миқдори тажриба вариантлари бўйича 33,0–62,6 мг/кг ни ташкил этиб, энг кам миқдори ўғитсиз-назорат вариантда кузатилган бўлса, макро- ва микроўғитлар таъсирида унинг миқдори ошиб борди. Жумладан NPK – фон (суспензия сифатида сув пуркаш) вариантыда 36,0 мг/кг ни ташкил этган бўлса, марганец микроўғити турли усулларда қўлланилганда унинг миқдори бор микроўғити қўлланилган вариантлардан кам бўлганлиги қайд этилди. Фон+Mn 4,0 кг/га тупроқга қўлланилган вариантда ғўзада марганец микроўғити суспензия қилинган усулларда қўлланилгандагига қараганда бирмунча кўп – 39,9 мг/кг ни ташкил этди. Марганец микроўғити бўйича борнинг энг кам кўрсаткичи Фон+Mn 0,1% ли эритмасида чигитларни ивитиш вариантыда аниқланди.

Ўсимлик поясидаги борнинг энг кўп миқдори Фон+В 0,1% концентрация суспензия сифатида пуркаш вариантыда кузатилиб, 16,5 мг/кг ни ташкил этди. Марганец қўлланилганда поядаги бор миқдорининг энг кўп кўрсаткичи эса Фон+Mn 4,0 кг/га вариантыда қайд қилиниб, ўртача 14,9 мг/кг ни ташкил этди. Ғўза органлари билан борнинг олиб чиқилиши 3,7 дан 62,6 мг/кг ни ташкил этди, илдиз ва барглар таркибидаги, яъни 53,81–56,93 фоизи тупроққа қайтди.

Ғўза органларида марганецнинг умумий миқдори куруқ моддасида 0,9 дан 179,8 мг/кг гача тебраниди. Унинг энг юқори кўрсаткичи баргларда – 125,0–179,8 мг/кг гача, кейин илдиз – 99,7–168,5 мг/кг, поя – 22,1–59,6, чанок – 14,3–40,0, чигит – 8,4–13,3 ва толада – 0,9–2,7 мг/кг миқдорда учради.

Ғўза баргларидаги марганецнинг миқдори тажриба вариантлари бўйича 125,0–179,8 мг/кг ни ташкил этиб, энг кам миқдори ўғитсиз-назорат вариантда кузатилган бўлса, макро- ва микроўғитлар таъсирида унинг миқдори ошиб борди. Жумладан, N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅ – фон (суспензия сифатида сув пуркаш) вариантыда 172,6 мг/кг ни ташкил этди. Марганец микроўғити турли усулларда қўлланилганда унинг миқдори бор микроэлементи қўлланилган вариантлардагидан кўп бўлганлиги қайд этилди. Фон+Mn 4,0 кг/га қўлланилган вариантда ўстирилган ғўзада марганец микроэлементи бошқа усулларда қўлланилгандагига қараганда бирмунча кам (179,6 мг/кг) бўлганлиги аниқланди.

Ўсимлик поясидаги марганецнинг энг кўп миқдори Фон+Mn 0,5% концентрация суспензия сифатида пуркаш вариантыда кузатилиб, 55,6 мг/кг

ни ташкил этди. Бор микроўғити қўлланилганда поядаги марганец миқдорининг энг кўп кўрсаткичи эса Фон+В 0,1% концентрация суспензия сифатида пуркаш ва чигитларни ивитиш вариантларида қайд қилиниб, ўртача 49,5 мг/кг ни ташкил этди. Фон+Mn 0,5% концентрацияли суспензия баргларга пуркалган вариантда ўстирилган ғўза энг кўп миқдорда марганец олиб чиққанлиги аниқланди. Барг, тугунча ва бошқаларнинг тўкилиши билан бор ва марганецнинг умумий олиб чиқишдан 75-84,3%и тупроққа қайтиб тушиши аниқланди.

Дисертациянинг «Ғўзанинг макро- ва микроўғитлар билан озикланишининг физиологик асослари» деб номланган тўртинчи бобида ғўзанинг ривожланиш фазаларида транспирация жадаллиги, баргларнинг сув сақлаш қобилияти, барглардаги пигментлар миқдори, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, барг пайдо бўлиши, куруқ модда тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлиги, ҳосил органларининг шаклланиши ва сақланиши ҳамда ғўза ҳосилдорлигига оид маълумотлар баён этилган.

Барча ўсимликлардаги сингари қонуният – эрталабдан то куннинг энг иссиқ давригача транспирация жадаллиги ортиши, сўнгра пасайиши аниқланди. Шоналаш фазасида ўтказилган таҳлилларда, чигитлар борнинг 0,05% ва марганецнинг 0,1 фоизли концентрация эритмаларида ивитиблиб экилган вариантларда транспирация жадаллигининг энг юқори кўрсаткичи соат 14 да ўтказилган таҳлилларда кузатилиб (424,84–463,06 г/м² соат), куннинг иккинчи ярмида аста-секин унинг пасайиши кузатилди (4-жадвал).

4-жадвал

Ғўзанинг транспирация жадаллигига макро ва микроўғитларнинг таъсири (2017–2020 йй., соат 14⁰⁰), г/м² соат

№	Тажриба вариантлари	Ғўзанинг ривожланиш давлари		
		шоналаш	гуллаш	кўсак етилиши
1	Ўғитсиз – назорат	424,84	430,21	399,36
2	N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ – фон (суспензия сифатида сув пуркаш)	443,95	445,32	401,47
3	Фон+В 1,0 кг	442,84	467,58	431,21
4	Фон+Mn 4,0 кг	441,47	479,43	437,58
5	Фон+В 0,1% концентрацияли суспензия пуркаш	443,21	484,84	453,95
6	Фон+Mn 0,5% концентрацияли суспензия пуркаш	443,58	488,54	456,69
7	Фон+В 0,05%ли эритмасида чигитларни ивитиш	458,95	452,73	418,24
8	Фон+Mn 0,1%ли эритмасида чигитларни ивитиш	463,06	459,10	419,75

Ўсимликларнинг гуллаш фазасида транспирация жадаллиги эрталабки соат 6 да вариантлар бўйича 203,82–242,04 г/м² соатни, соат 10 да 340,69–394,90, соат 14 да 430,21–488,54 ва соат 18 да 269,45–316,56 г/м² соатни ташкил этиб, энг юқори кўрсаткичи куннинг иккинчи ярмида, яъни соат 14 да ўтказилган таҳлилларда аниқланди.

Кўсакларнинг етилиш даврига келиб транспирация жадаллиги бироз пасайиб, вариантлар бўйича 399,36–456,69 г/м² соатни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, таҳлил ўтказилган барча даврларда фақат макроўғитлар (НРК) қўлланилган вариантга нисбатан уларнинг фониди микроўғитлар турли усулларда қўлланилган вариантларда транспирация жадаллиги юқори бўлди.

Ўсимликларнинг ривожланиш даврлари бўйича олинган маълумотлар таҳлиliga кўра, чигитлар борнинг 0,05 фоизли ва марганецнинг 0,1 фоизли эритмасида ивителиб экилган вариантлардаги ўсимликнинг 4–5 чинбарглик фазасида сув сақлаш қобилияти энг юқорилиги, яъни ўрганилган вақт давомида сувни йўқотиши энг кам (23,3–23,6%) бўлганлиги аниқланди (5-жадвал).

Барглари сунни йўқотиши шоналашдан кўсаклаш давригача камайиб, айна пайтда сунни сақлаш қобилияти ошиб борди. Гуллаш фазасида барча вариантлардаги ўсимликларнинг сунни сақлаш қобилияти ошганлиги аниқланди. Бу эса айнан гуллаш фазасида фаол кечадиган синтетик жараёнлар ҳамда ҳосил органларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўз навбатида бундай жараёнларнинг амалга ошиши учун кўп миқдорда сув талаб қилинади.

5-жадвал

Макро ва микроэлементи озиқланишнинг ғўза баргини сув сақлаш қобилиятига таъсири (барглари 2 соат давомида йўқотилган сув миқдори, %), 2017–2020 йй.

№	Таъриба вариантлари	4-5 чинбарглик	шоналаш	гуллаш	кўсакларнинг етилиши
1	Ўғитсиз – назорат	30,6	26,5	23,7	20,4
2	N ₂₅₀ P ₁₇₅ K ₁₂₅ – фон (суспензия сифатида сув пуркаш)	26,6	23,3	22,0	20,3
3	Фон+В 1,0 кг	26,7	23,4	21,0	20,2
4	Фон+Мп 4,0 кг	26,5	23,2	20,8	20,0
5	Фон+В 0,1% концентрацияли суспензия пуркаш	26,6	23,6	18,2	15,6
6	Фон+Мп 0,5% концентрацияли суспензия пуркаш	26,2	23,3	18,1	15,2
7	Фон+В 0,05%ли эритмасида чигитларни ивителиш	23,6	21,7	20,6	18,6
8	Фон+Мп 0,1%ли эритмасида чигитларни ивителиш	23,3	21,5	20,5	18,1

Кўсакларнинг етилиш даврига келиб барглари сунни сақлаш қобилияти вариантлар бўйича 15,2–20,4 фоизни ташкил этиб, энг кам сув йўқотган ўсимликлар бор ва марганец микроўғитлари билан баргидан озиқлантирилган вариантларда қайд этилди.

Микроэлементилар ўсимликнинг вегетатив ўсиш даврида фотосинтетик пигментилар жадал тўпланишини таъминлади ва вегетация охирида бирмунча камайди. Чигитларни марганецнинг 0,1 фоизли концентрация эритмасида ивителиб экиш ғўза баргларида хлорофилл миқдори кўпайишини таъминлади.

Чигитлар борнинг 0,05 фоизли ва марганецнинг 0,1 фоизли эритмаларида ивителиб экилган вариантларда хлорофилл “а” ва “б” пигментиларининг миқдори юқорилиги (тегишлича 3,02; 0,73 ва 3,07; 0,70

мг/г) аниқланди. Ушбу вариантларда хлорофиллнинг умумий миқдори ўғитсиз-назорат вариантдагидан 0,39–0,41 мг/г юқорилиги қайд этилди. Бу ҳолат, марганецнинг ферментлар таркибига кириши ва унаётган ўсимликларнинг ферментатив тизимига ижобий таъсир этганлиги билан изоҳланади.

Ўсимликнинг шоналаш фазасига келиб ўғитсиз-назорат вариантда хлорофилл “а” миқдори 2,32 мг/г, хлорофилл “b” миқдори 0,90 мг/г ва уларнинг умумий миқдори 3,22 мг/г га тенг бўлса, макро ва микроўғитлар қўлланилган вариантларда кўрсаткичлар тегишлича 2,95–3,26 мг/г, 0,72–0,88 ва 3,82–3,98 мг/г га тенглиги аниқланди.

Ғўза ўсимлигининг энг жадал биомасса тўплайдиган даври гуллаш-мева тугиш босқичи ҳисобланиб, ушбу даврда ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, хлорофиллнинг энг юқори миқдори ушбу фазада кузатилди. Эҳтимол, бу ўсимликнинг вегетация давридаги ассимиляция фаолияти билан боғлиқ. Ўтказилган таҳлилларда хлорофилл “а” ва “b” пигментлари, уларнинг умумий миқдори ўғитсиз-назорат вариантда тегишлича 2,10; 0,82 ва 2,92 мг/г га тенг бўлса, тажрибада қўлланилган макро ва микроўғитлар таъсирида 2,54–3,77; 0,84–0,97 ва 3,38–4,74 мг/г га тенглиги қайд этилди. Кўсақларнинг етилиш даврига келиб пластид пигментлар миқдори янада камайганлиги ҳамда гуллаш фазасидаги умумий тенденция сақланиб қолганлиги аниқланди.

Ўсимликда шаклланиган кўсақлар сони 1 август ҳолатига кўра, тажриба вариантлари бўйича 4,4–9,3 дона бўлиб, макро- ва микроўғитлар қўлланилганда ўғитсиз-назорат вариантга нисбатан 3,8–4,9 дона кўп. Гуллаш фазасида бир туп ўсимликда вариантлар бўйича ўртача 34,3–51,8 дона барг шаклланиб, улар ҳосил қилган ассимиляция юза 1109,4–1207,1 см² ни ташкил этди.

Ғўза фотосинтез маҳсулдорлиги ўсимликнинг чинбарглик – шоналаш даврида ўғитсиз-назорат вариантда 1 м² барг сатҳи сутка мобайнида 3,3 г куруқ модда ҳосил қилган бўлса, макро- ва микроўғитлар қўлланилган вариантларда эса фотосинтез соф маҳсулдорлиги 4,0–5,6 г/м² х суткага тўғри келганлиги аниқланди.


Фотосинтез маҳсулдорлиги, яъни куруқ модданинг тўпланиши ғўза ниҳоллари униб чиққандан бошлаб шоналашгача бўлган даврда анча суст кечиб, шоналаш давридан сўнг деярли икки баробар кучайди, жумладан чинбарглик – шоналаш даврида фотосинтез маҳсулдорлиги 3,3–5,6 г/м² х суткани ташкил этган бўлса, шоналаш – гуллаш даврида эса фотосинтез маҳсулдорлиги вариантлар бўйича 7,1–10,3 г/м² х сутка бўлганлиги қайд этилди. Шунингдек, гуллаш – ҳосил тўплаш даврига келиб ғўза фотосинтез маҳсулдорлиги шоналаш – гуллаш давридагидан бироз ошганлиги аниқланди. Барча ўрганилган даврлар бўйича микроэлементлар таъсирида ўсимликда кўплаб куруқ модда тўпланиши, яъни NPK-фон вариантга нисбатан фотосинтез маҳсулдорлиги ошиши аниқланди.

Тадқиқотларда ҳосил органларининг тўкилиши июль ойининг бошлариданоқ кузатилиб, вегетация охирида ўтказилган фенологик

тахлилларда ўғитсиз-назорат вариантдаги ўсимликларда 69,1% ҳосил органлари тўкилганлиги, марганец микроўғити қўлланилган вариантдаги 61,9% ва бор микроўғити қўлланилган вариантдаги 60,7% тўкилганлиги кузатилди.

Август ойининг охирида (25.VIII) барча вариантларда тўкилиш салмоғи камайди ва 5 сентябрь ҳолатида тўкилиш деярли тўхтаганлиги кузатилди.

Ўтказилган тажрибада вегетация охиригача сақланиб қолган ҳосил органлар ўғитсиз-назорат вариантда 8,1 донани ташкил этди макро ва микроўғитлар қўлланилган вариантларида бу миқдор 11,3 ва 12,8 донани ташкил қилди (2-расм).




2-расм. Макро- ва микроўғитлар таъсирида сақлаб қолинган ҳосил органлар

Макро ва микроўғитларни биргаликда қўлланганда кўсаклар сони 1,0–1,5 донага ортишини таъминлади. Натижада ҳар бир тупда сақланиб қолган бу кўсаклар ҳисобига ҳосилдорлик ўртача 3,0-4,5 центнерга ошганлиги аниқланди.

Ғўзани макро- ва микроўғитлар билан озиқлантириш кўсакларнинг хўжалик жиҳатдан етук, шона ва тугунчалар тўкилиши кам бўлишини таъминлади. Макроўғитлар фонида микроўғитларни қўллаш ўсимлик тупида шоналарни (1,1–1,9%), тугунчаларни (0,8–1,12%) ва кўсакларни сақлаб қолиш имконини берди.

Олинган ўртача ҳосилдорлик вариантлар бўйича 12,9–37,7 ц/га ни ташкил этди. Бунда энг кам ҳосил ўғитсиз-назорат вариантыда ўртача 12,9 ц/га ни ташкил этди. Ўғитсиз-назорат вариантга нисбатан макро- ва микроўғитлар қўлланилган вариантларда кўшимча 19,6-24,8 ц/га ҳосил олинди. (3-расм).

Макро- ва микроўғитлар қўлланилган вариантлар ичида Фон+1 кг/га Бор микроўғити тупроқга қўлланилганда кузатилди, яъни 37,7 ц/га. Макро ва микроўғитлардан марганец (Фон+4 кг/га) қўлланган вариантда эса 35,2 ц/га ҳосил олинди. Фон+В ва Фон+Мп қўлланган вариантларни ҳосил миқдорларини кўрсак Фон+В қўлланган вариантда 5,2 ц/га кўп ҳосил олинди. Худди шундай ҳолат ғўзанинг шоналаш фазасида баргидан суспензия қилинганда ҳам кузатилди, яъни Фон+ В 0,1 фоизда 34,7 ц/га, Фон+Мп 0,5 фоизда 31,1 ц/га ҳосил олинди ва улар орасида 1,6 ц/га фарқ кузатилди.



3-расм. Микроўғитларни турли усулларда қўллашнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири (2017-2020 йй.)

Диссертациянинг «Тажриба натижаларининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган бешинчи бобида 1 га майдондан олинган соф фойда бор ва марганец микроўғитлари турли усулларда қўлланилганда ўртача 591 минг сўмдан 2609 минг сўмгача ортди ва тажрибада энг юқори соф фойда макроўғитлар фониди бор микроэлементи 1 кг/га меъёрида қўлланилган вариантда нисбатан кўпроқ фойда эса марганец микроэлементи 4 кг/га меъёрида қўлланилган вариантда олинди. Рентабеллик даражаси макроўғитлар фониди микроўғитлар қўлланилганда ўртача 22,9-40,5 фоизни ташкил этди. Тажрибанинг ўғитсиз-назорат вариантыда рентабеллик таъминланмади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўсимликлар ўзлаштирадиган сувда осон эрийдиган бор миқдори тупроқ профилида 0,75-0,44 мг/кг ни ташкил этиб, унинг энг юқори кўрсаткичи ҳайдалма қатламида, бироқ рухсат этилган миқдордан (РЭМ 0,8-1,2 мг/кг) 1 баробар кам эканлиги кузатилади. Ўсимликлар ўзлаштирадиган марганец миқдори эса тупроқ профилида 83,43-76,83 мг/кг ни ташкил этиб, чегараланган сон (80-100 мг/кг) даражасида бўлди.

2. Макроўғитлар фониди микроўғитлар қўлланилганда азот метаболизми яхшиланиб, умумий азот ва унинг оксилли, нооксил шакллари кўп миқдорда тўпланади. Ўсимликнинг гуллаш фазасида ўғитсиз-назорат вариантыда азот миқдори 2,182% бўлган бўлса, фон+Мп 0,5% концентрация суспензия сифатида пуркаш вариантыда 2,968%, фон+В 0,05 %ли эритмасида чигитларни ивитиш вариантыда 2,976%ни ташкил этади.

3. Шоналаш ва гуллаш фазасида ғўза баргларида фосфорнинг, айниқса органик фосфорнинг синтезланиши турли усулларда қўлланилган микроэлементлар ҳисобига кучайди. Фон+В 1,0 кг вариантыда 4-5 чинбарг чиқарган ғўза ниҳолларида умумий фосфор миқдори бор қўлланилган бошқа вариантлардагидан бирмунча кам бўлади.

4. Ғўза барглари ҳамда илдизи билан бор ва марганецни энг кўп миқдорда (тегишлича 33,0–62,6 ва 125,0–179,6 мг/кг; 14,1–25,1 ва 99,7–168,5

мг/кг), ўғитсиз-назорат вариантда эса энг кам миқдорда олиб чиқади, шунга кўра, борнинг 54–57%и, марганецнинг 75–84%и барг ва илдизи билан тупроққа қайтиб тушади.

5. Бор ва марганец эритмасида чигитни ивитиш вариантларида ўсимликларнинг дастлабки ўсиш жараёни устун бўлса-да, кейинги ривожланишида нисбатан қолоқлик кузатилади. Ўсимликда шаклланган кўсақлар сони 1 август ҳолатига кўра, тажриба вариантлари бўйича 7,2–11,6 дона бўлиб, макро- ва микроўғитлар қўлланилганда ўғитсиз-назорат вариантга нисбатан 3,3–4,2 донага кўпаяди.

6. Ҳосил органларининг тўкилиши июл ойининг бошлариданоқ кузатилиб, июл ойининг ўртасида ўғитсиз-назорат вариантда 8,0 % (2,1 дона) тўкилган бўлса, тажриба вариантларида 6,4 (2,0 дона) ва 6,3 % (2,1 дона), вегетация охирида ўғитсиз-назорат вариантдаги ўсимликлар 69,1% мева органларини тўкиб юборган бўлса, бу кўрсаткич макроўғитлар (NPK) қўлланилган вариантдаги ўсимликларда 63,8%ни ташкил этди, В микроўғити қўлланилган вариантдаги ўсимликларда эса ҳосил органлар энг кам – 61,2 % тўкилди.

7. Ғўзанинг транспирация жадаллиги унинг ривожланиш фазаларидаги сингари, кун давомида ҳам, ўрганилган вариантлар бўйича ҳам ўзгариб туради. Энг юқори транспирация жадаллиги ўсимликнинг гуллаш фазасида, кундузги соат 14 да кузатилади ҳамда чигитлари бор ва марганец микроэлементлари эритмасида ивитиб экилган, уларнинг эритмалари билан баргидан озиклантирилган ғўзаларда кузатилади.

8. Чигитлар борнинг 0,05%ли ва марганецнинг 0,1%ли эритмасида ивитиб экилганда ғўзанинг дастлабки фазаларида сув сақлаш қобилияти яққол намоён бўлади, ривожланишнинг кейинги даврларида бу кўрсаткич аста-секин пасайиб, ўғитсиз-назорат вариантдаги сингари бўлади, ўсимликларни микроўғитлар эритмалари билан баргидан озиклантирилганда уларнинг сув буғлатишини камайтириб, сув сақлаш қобилиятини ривожланиш даврларида ўртача 3–5%га оширади.

9. Ғўзада пластид пигментлар миқдори ўсимликнинг гуллаш фазасигача ортиб бориб, ундан кейинги даврларда камаяди. Хлорофилл “а” миқдори хлорофилл “b” миқдорига қараганда 3–4 баробар кўп бўлиб, уларнинг миқдорига макро- ва микроўғитлар сезиларли таъсир этади.

10. Каттақўрғон тумани ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида макроўғитлар фонида бор микроэлементини 1 кг/га меъёрада қўллаш ёки шоналаш фазасида унинг 0,1 фоизли концентрация суспензиясини пуркаш ғўза ҳосилдорлигини 3,5–6,0 ц/га оширади.

11. Самарқанд вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил олишда минерал ўғитлар (N₂₅₀P₁₇₅K₁₂₅) фонида борни 1,0 кг/га ва марганецни 4,0 кг/га меъёрада шоналаш фазасида тупроққа қўллаш ҳамда борнинг 0,1% концентрацияли суспензиясини баргидан пуркаш таъсир этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

РОЗИКОВА КАМОЛА ЭЛМУРОДОВНА

**ВЛИЯНИЕ МИКРОЭЛЕМЕНТОВ БОРА И МАРГАНЦА НА
МЕТАБОЛИЗМ И УРОЖАЙНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.04 – «Агрохимия»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.4.PhD/Qx502.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: (www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Хошимов Фарход Хакимович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ниязалиев Бегали Ирисалиевич**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Научно-исследовательский институт селекция,
семеноводства и агротехнологии выращивания хлопков

Каримбердиева Амина Азимовна
кандидат сельскохозяйственных наук, старший
научный сотрудник
Научно-исследовательский институт почвоведения
и агрохимии

Ведущая организация: **Национальный Университет Узбекистана**

Защита состоится «___» _____ 2022 г. в «___» часов на заседании Научного совета DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: info@soil.uz).

С данной диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института почвоведения и агрохимии (зарегистрирована за № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, МСГ Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИПА Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37;

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2022 г.)

Ш.М.Бобомуродов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

Ж.М.Кузиев
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н.,
старший научный сотрудник

Н.Ю.Абдурахмонов
Председатель научного семинара по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день «в мире такие государства, как США, Египет, Индия, Бразилия, Израиль и Турция являются ведущими производителями хлопка¹, в результате внесения микроудобрений различными методами и в различных нормах урожайность хлопка в этих государствах увеличилось на 12–19%»². Поэтому, повышение устойчивости хлопчатника к различным экстремальным условиям, а также обеспечение их питательными веществами, которых не хватает в почвах, путем капельного орошения микроудобрений и листовой подкормке культур, при получении высоких и качественных урожаев хлопка в условиях карбонатных почв аридных и полуаридных климатических регионов мира являются одной из актуальных проблем.

В мире проводятся научно-практические исследования, по таким приоритетным направлениям, как внесение макро и микроудобрений в различных нормах, соотношениях, сроках и методах для улучшения плодородия почв, увеличения урожайности хлопка, а также улучшения качества волокна. В этом плане уделяется особое внимание научным исследованиям, направленным на изучение потребности в макро- и микроудобрениях на разных этапах онтогенеза хлопчатника, в частности, обеспеченности почв микроэлементами, определение положительных и отрицательных изменений в метаболизме хлопчатника под влиянием сроков, норм и методов внесения микроудобрений, листовой подкормки хлопчатника.

На сегодняшний день в республике проводятся научные исследования и достигнуты определенные результаты по улучшению агрохимических свойств орошаемых почв, развитию научно-обоснованного интенсивного земледелия путем внедрения в практику агротехнологий, направленных на увеличение урожайности сельскохозяйственных культур, особенно хлопчатника, внесения минеральных удобрений в оптимальных нормах и сроках, улучшение качества волокна. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах определены важные задачи по «...динамичному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, дальнейшей оптимизации посевных площадей, направленной на сокращение посевных площадей под хлопчатник и зерновые колосовые культуры, широкому внедрению в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий»³. В связи с этим, определение потребности в макро и микроудобрениях на этапах онтогенеза хлопчатника, а также изменений в

¹ <http://www.caas.cn/en>;

² <http://www.dpi.nsw.gov.au>;

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

метаболизме хлопчатника под влиянием микроудобрений, увеличение урожайности и улучшение качества волокна хлопчатника при возделывании хлопка приобретает важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистана от 23 октября 2019 года №УП–5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 год» и Постановлении Президента Республики Узбекистана от 26 февраль 2021 года №ПП–5009 «О мерах по реализации в 2021 году задач, определенных в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

